

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Қ.ЎРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙЎЛДОШ ҚОРИ

Висмут-сурма теллурид юпка пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири..... 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАЙТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш 13

М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни α -фенилэтилспирт билан алкиллаш 19

Ш.МУХИДИНОВА

Ташқи муҳит ва мактабгача таълим муассасалари объектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари 24

Г. ЮЛДАШЕВ, Г.СОТИБОЛДИЕВА

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари 29

О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕХҚОНБОЕВА

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамойиллари 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар 38

А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили 41

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни 46

А.САЛМОНОВ, Д.ЮСУПОВ

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) 50

А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олима 53

Б.УСМОНОВ

Фарғона водийсининг Амир Темура давлати таркибига киритилиши 56

М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ

Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари 60

УДК: 94+211.5+726.2

XX АСРНИНГ 50-60 ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН ЧЕКЛАШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

А.Салмонов, Д.Юсупов

Аннотация

Мақолада 1950 - 1960 йилларда Фарғона вилоятидаги ислом дини муассаса ва ташкилотлар фаолияти илмий далиллар асосида тадқиқ қилинган.

Аннотация

В статье, на основе научных доказательств, исследована деятельность исламских религиозных учреждений и организаций в Ферганской области в 1950-1960 годах.

Annotation

In this article the activities of Muslim religious institutions and organizations of Fergana valley (1950-1960 years) on the base of scientific evidence are researched.

Таянч сўз ва иборалар: ислом дини муассаса ва ташкилотлари, вақф мулклари, диний уламолар, мадраса, масжид, муфтий, мутавалли, сўфи, эшон, даҳрийлик, «Худосизлар», қатағон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, мавлуд, хатна, исломий маданият, хурофот, виждон эркинлиги.

Ключевые слова и выражения: исламские религиозные учреждения и организации, вакуфное имущество, служители культа, медресе, мечеть, муфтий, мутавалли, суфий, ишан, атеизм, «Безбожники», репрессия, Духовное управление мусульман Средней Азии и Казахстана, ураза байрам, курбан хаит, мавлуд, обрезание, исламская культура, невежество, свобода совести.

Key words and expressions: Islam religion, the institutions and organizations, vagf property, religious scholars, madrasah, mosque, mufti, mutavalli, sufii, ishan, atheism, "Xudosizlar", repression, the Central Asia and Kazakhstan Islam religious Board, Eid Ramadan, Eid Qurbon, mavlud, hatna, Islamic culture, ignorance, freedom of conscience.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет ҳокимияти томонидан диний муассасаларга нисбатан салбий муносабатнинг бироз пасайиши туфайли урушдан кейинги дастлабки йилларда мусулмон аҳоли фаоллиги ошди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида рухсатсиз масжидларни очиб, янгидан бунёд этиш ишларига киришишни кучайтирди. Ҳатто, баъзи масжид имомлари томонидан ўзбошимчалик билан ҳайриялар йиғиш, рухсатсиз масжидлар бунёд этиш ишлари ташкиллаштирилди. Шунингдек, Фарғона вилояти ижроия Қўмитасининг дин ишлари кенгаши маълумотномасида "Қўқонда 10 та, Марғилон шаҳрида 12 та эски усул диний таълим мактаблари ҳеч қандай рухсатсиз фаолият юритаётганлиги, ҳатто, Марғилон шаҳар Туттош маҳалласида жойлашган №7 мактаб биносида бир гуруҳ диндорлар 2 та синф хонасини диний билимдан сабоқ бериш учун банд қилиб олганлиги архив ҳужжатларда қайд қилинган [5].

Юқоридаги маълумотлар шуни

кўрсатадики, урушдан кейинги дастлабки ўн йилликларда диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан ҳукумат томонидан аниқ кўрсатмаларнинг йўқлиги ёки совет ҳокимиятининг вақтинчалик динга ён бериш сиёсати, янги фаолият бошлаган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси имкониятларининг ҳукумат томонидан чеклаб қўйилганлиги туфайли диндорлар ва диний уламоларни эркин фаолият юритишига шароит яратган.

Ўз-ўзидан диний уламолар ва дин аҳллари ичида пайдо бўла бошлаган маълум бир тартибсизликлар, ўзбошимчалик ва қонунга итоат қилмаслик ҳолатлари совет ҳокимиятининг мутасадди органлари ва партия раҳбарлари томонидан диндорларга ҳамда диний муассасаларга ўзининг қатъий сиёсатини белгилаш учун амалий ҳаракатларни бошлаш имкониятини яратди.

Бу борада КПСС Марказий Қўмитасининг 1954 йил 7 июлда қабул қилган "Илмий атеистик тарғибот соҳасидаги катта камчиликлар ва уларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида"

А.Салмонов – ФарДУ, тарих фанлари номзоди, доцент.
Д.Юсупов – ФарДУ Ўзбекистон тарихи ўналиши магистранти.

[2.69-75] ҳамда 1954 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Аҳоли ўртасида илмий атеистик тарғибот олиб боришдаги хатоликлар тўғрисида” каби қарорлари совет ҳокимиятининг янгидан динга қарши навбатдаги кураш босқичини бошлаб берди [2.75-80].

Республика Марказий давлат архиви ҳамда вилоятлардаги архивларда, юқоридаги қарорлар юзасидан маҳаллий ташкилотларнинг вазифалари белгилаб берилган махсус қарорлар ишлаб чиқилганлик билан боғлиқ кўплаб ҳужжатлар сақланган [3].

1950-1956 йилларда Фарғона вилоятининг бир қатор колхоз ва туманларида мутасадди ҳукумат раҳбарларининг рухсатисиз очилган

қадамжолар, масжид, диний таълимни ўргатадиган эски мактаб кабилар қатъий рўйхатга олиниб, уларни тугатиш борасидаги ишлар амалга ошириш кучайтирилди. Ҳужжатлар орқали масжидлар, уларни қуришда бошчилик қилган шахслар, намоз ўқиш маросимида иштирок этган дин аҳллари сони, ҳайитларда тўпланган маблағлар миқдори ҳақида аниқ маълумотлар жамлаб борилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Жумладан, Фарғона вилояти бўйича рўйхатдан ўтмаган баъзи йирик масжидларда 1956 йил давомида ибодат қилиш мақсадида масжидга келган диндорлар сони аниқ кўрсатилган [6].

1956 йилда Фарғона вилояти туманларида диний ибодатга қатнаганлар сони

№	Туман ва шаҳарлар	Масжид номлари	1956-йил давомида			Масжид имомлари, исми
			Ҳар куни намозга келади-ганлар	Жума намозига келади-ганлар сони	Рамазон ҳайитига келганлар	
1	Фарғона	Лангар	50-200	300	1000	Обид қози Маҳмудов
2	Молотов	Хожа Муҳаммад Вали	250-300	900-1000	2500-3000	Муҳаммаджон Қори
3	Молотов	Дашт масжид	200-250	400-500	2000	Убайдуллоҳон Тўра
4	Каганович	Пастки Яйпан	100-150	200-250	500	-
5	Киров	Машад-мозор	400-500	900	1500-3000	Пайзимат Мирза
6	Кўқон шаҳри	Чамашбий мазори	100-150	300	1000	Чамашлик Эшон
7	Кўқон шаҳри	Мўй Муборак мазори	90-120	200	600	Абдул-ҳаким Қори
8	Кўқон шаҳри	Афғонбоғ масжиди	50-70	150	500	Салмон Махсум
9	Горский	Айритом масжиди	50-60	100-150	150	Маллабой-хожи
10	Горский	Қизилқияқ масжиди	100-120	250	500	Мулла Аълам домла
11	Куйбишев	Оқер	70-80	180-200	500	Мулла Тўрахожи
12	Бувайда	Хазратпошшо	-	-	1000	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, Фарғона вилоятининг барча ҳудудларида жойлашган диний муассасалар 50-йиллар ўрталарига келиб ҳукумат томонидан қатъий назорат остига олина бошлаган, масжидларга ибодат учун келган аҳоли махсус рўйхатга олиниб, уларга турли йўллар билан тўсқинликлар қилинган.

Юқорида қайд этилган ҳукумат қароридан сўнг республиканинг барча

ҳудудларида диндорларнинг миқдори, машғулоти, мол-мулки, оилавий аҳволи ҳақида маълумотлар йиғишга эътибор қаратилган. Қуръони Каримни ёд олиб, қироат қиладиган йирик муллаларнинг республика шаҳар ва қишлоқларидаги сони, машғулоти, тирикчилик манбаи, даромади юзасидан солиқ тўламаётганлиги ёки солиққа ханузгача тортилмаганлиги билан боғлиқ масалага ҳам алоҳида эътибор

қаратилган. Тарихий ҳужжатлардан бирида, Қўқон шаҳрида 12 та йирик диний уламо, қорилар борлиги, улар диний маросимлар ва Хатми Қуръонларда қироатхонлик қилиб, колхозчи ва ишчиларни хўжалик ишларидан чалғитаётганлиги, ушбу салбий ҳатти-ҳаракатларга қармасдан давлатга солиқ тўламай келганлиги қайд этилган [4].

Марғилон шаҳрида 6 нафар йирик уламо Қуръонни ёддан билиши, улар шаҳар ва қишлоқларда Хатми Қуръонларда қорихонлик қилиши, шулардан бири Шерматов Шоди қори ўз номига муносиб бўлмаган – машина олди-соттиси билан шуғулланиши, ҳатто ўзини “Победа” маркали автомашинаси билан узоқ қишлоқларгача бориб диний маросимларда иштирок этиши, шунга қарамай давлатга солиқ тўламаётганлиги архив ҳужжатларида маълум қилинади [4].

Ҳужжатлардан бири 1956 йил 12 майда ўтказилиши лозим бўлган Рўза ҳайитини Қўқон туманидаги қишлоқларда барча мусулмон аҳоли ҳукуматдан рухсат олинганлиги сабабли қўрқмай нишонлашлари қайд этилган [4].

СССР ва Ўзбекистон ССР конституцияларида фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланиши белгилаб қўйилган бўлса-да, совет ҳокимияти коммунистик партияси диндорлар ва диний

муассасаларга нисбатан дахрийликдан иборат сиёсатини XX аср 50- йиллари охирида янгидан кучайтирди. Кейинчалик КПСС Марказий Қўмитасининг 1960 йил 13 январ ва Ўзбекистон ССР Марказий Қўмитасининг 1960 йил 4 февралда қабул қилган “Рухонийлар томонидан қонунчиликнинг бузилишини олдини олиш” тўғрисидаги қарорлари диний сиёсатда совет ҳокимиятининг бош стратегиясини белгилаб берди [1.127].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, урушдан кейинги йилларда динга ва диний муассасаларга берилган бир оз эркинлик туфайли, айтиш мумкинки, собиқ иттифоқнинг мусулмон аҳолиси яшайдиган республикаларида, жумладан, Фарғона водийсида “диний уйғониш” рўй бера бошлади. Аммо совет ҳокимиятининг уруш туфайли мураккаб вазиятда динга қарши кураши вақтинчалик чекинган эди. Совет жамиятида урушда вайрон қилинган хўжаликни тиклаш (1946-1950й.) ишларининг амалга ошиши билан ҳукумат ўзининг “худосизлик” учун кураш жараёнини янгитдан бошлаш босқичига кирди. Совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан иккиёқлама “эҳтиёткорлик” сиёсати ўрнига яна дахрийликдан иборат тазйиқ ўтказишлик йўлига ўтиб борган янги босқичи бошланди.

Адабиётлар:

1. А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). – Т.: Тафаккур, 2015.
2. О религии и церкви. – М., 1981.
3. Фарғона вилоят давлат архиви, 716-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 6, 9, 12-варақ.; ЎзР ПДАФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 133-иш, 78-варақ.
4. ФВДА, 1124-фонд, 2-рўйхат, 2603-иш, 43-варақ.
5. Ўзбекистон Республикаси Президент девони архивининг Фарғона вилоят бўлими, 1- фонд, 3- рўйхат, 307-иш, 1- варақ.
6. ЎзР ПДАФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 213- иш, 21, 22- варақ.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).